Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

23 июнь 1972 йил, жума ◆ № 146 (15.317). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

21 июнда КПСС Марказий Комитетида КПСС делегацияси билан Ҳиндистон Компартияси делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда КПСС томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Р. А. Ульяновский қатнашдилар.

Учрашувда Ҳиндистон Компартияси томонидан Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг раиси ўртоқ Ш. А. Данге (делегация бошлиғи), Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг Бош секретари ўртоқ Р. Рао, Ҳиндистон Компартияси Марказий Ижроия Комитетининг аъзолари, Миллий кенгаш секретарлари Б. Гупта ва Н. К. Кришнан ўртоқлар қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси номидан Ҳиндистон Компартияси делегациясини қизғин табриклади.

Учрашув вақтида КПСС ва Ҳиндистон Компартияси делегациялари қардошларча дўстлик ва самимият вазиятида партияларнинг фаолияти ҳақида, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати проблемалари тўғрисида, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Делегациялар ўртасидаги фикрлашиб олиш кейинги учрашувларда давом эттирилади.

СССР 50

ЮБИЛЕЙ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Механизаторлар мусобақаси

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Сирдарёлик машҳур механизатор Аҳмаджон Валиевнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган «Келинг, беллашайлик» сарлавҳали хати бизга ҳам етиб келди. Хатни коллектив бўлиб ўқиб чиқдик. У жуда муҳим масалани — пахтадан юқори ҳосил етиштириш йўли билан терим машиналари иш унумини ошириш масаласини кўп тартибига қўйган. Дарҳақиқат ҳосилни етиштирувчи ҳам, уни қисқа фурсатда йиғиб-териб юқори сорт билан давлатга топширувчи ҳам пахтакор - механизаторлардир. Механизация пахтачилигимизнинг бугуни, эртаси ва келажагидир.

Мен қарийб 20 йилдан буён механизатор бўлиб хизмат қиламан. Кўп қийинчиликлар, машаққатларни бошдан кечирдим, айни кезда ҳалол меҳнат билан эл-юрт орасида иззат-обрў орттирдим. Танг аҳволда қолганимда юкимни енгиллатган, жонимга ора кирган машинам бўлди. Машина деҳқоннинг дўсти, мададкори эканига ўз тажрибамда тўла ишонч ҳосил қилдим.

Бу йилги шароитда машинанинг роли айниқса ортди. Сабаби, баҳор кеч бошланди, кўп ёғингарчиликлар бўлди. Чигит экиш кечикди. Бунинг устига ниҳоллар яхши ўсмади. Ростини айтганда, ғўзаларимизнинг ҳозирги ҳолати ҳам талабга жавоб бермайди. Ана шундай кезда деҳқончилик ишларини юқори савияда йўлга қўйиш, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга замин яратишда машиналар қўл келди. Биз ниҳоллар униб чиққандан бери 110 гектар пахта майдонимизда тўрт марта ғўза парваришини ўтказдик. Ғўзаларимиз ёппасига шоналяпти.

Лекин ҳамкасбимиз Аҳмаджон Валиев айтганидек, ғўзаларни уч туркумга бўлиш мумкин. Биринчи туркумдаги ғўзалар шоналаб, гуллаш арафасида турибди. Иккинчи туркум ғўзалар шохларини ростлаб, шоналай бошлади. Кейинги ғўзалар эса ҳали ёш. Чунки чигит қайта экилиши, устма-уст сел ёғиши туфайли ўсимлик яхши ривожлана олмади. Бундай шароитда пахтакорларимиз тадбиркор бўлишлари лозим. Масалан, бизнинг 30 гектар майдондаги ғўзаларимиз учинчи туркумга кирар эди. Ўша пайкалларда бир марта узунаси ва кўндалангига қўшимча культивация ўтказдик. Ҳар гектар ер ҳисобига 150 килограммдан азотни 300 килограмм фосфорга аралаштириб қатор орасига солдик. Айни вақтда 10 тоннадан органик ўғит бердик. Чуқур эгат олиб суғордик. Орадан бир ҳафта чамаси фурсат ўтар-ўтмас ўша пайкалларнинг ғўзалари барқ уриб ўсиб, қийғос шоналай бошлади. Пахтакор-механизаторларимизнинг шу кунлардаги муҳим вазифаси қолоқ ва ўртача ғўзаларни серҳосил ғўзалар даражасига етказиб олишдан иборат.

Сирдарёлик механизатор кўп йиллик тажрибага асосланиб, машиналар ғўзаси серҳосил пайкалларда унумли ишлайди, дебди. Бу фикрга тўла қўшиламиз. Бир кезларда мен бошчилик қилаётган бригадада гектаридан зўрга 28-30 центнердан пахта етиштирар эдик. Ўша кезларда машинанинг мавсумдаги иш унуми 80 тоннадан ошмади. 1971 йилда гектаридан 56 центнердан хирмон кўтардик. Ўзим машинада 350 тонна дурдона тердим. Бундан кўриниб турибдики, ҳосил нечоғли кўп тўпланса, машинанинг иш унуми шунча юқори бўлади. **Ҳосилни асосан июнь ва июль ойларида етиштирамиз, август ойида эса ҳосил ёнига ҳосил қўшамиз.** Биз бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, **июнь ойининг охиригача ҳамма пайкаллардаги ғўзаларни ёппасига гуллатиб олишга қарор қилдик.** Июль ойининг охиригача эса ҳар туп ғўзада 15—16 ҳосил шохи, камида 20-22 та бўлиқ кўсак бунёдга келишига эришамиз. Август ойида эса кўсаклар сонини янада кўпайтириб, тезроқ очилишини таъминлаймиз. Шундагина зиммага олган мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаган бўламиз. Мажбуриятимиз эса чакки эмас — гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш, уни қўл кучи ишлатмасдан машиналарда териб олишдир.

Мен шу жойда бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзан пахтамиз кечки, ғўзаларимизнинг авжи паст деган нолишларни эшитамиз. Бу қисман тўғри. Юқорида айтилганидек, табиат инжиқликлари туфайли ғўзалар ўсиб, ривожланишдан анча орқада қоляпти. Лекин шу қолоқликни ўзимиз тугатмасак, бизга биров келиб тузатиб берадими? Ғўза парваришни севадиган экин. Вақтида қатор оралари, марзаларини юмшатсак, ўғит берсак, суғорсак, намнинг кўтарилиб кетишига йўл қўймасак, ғўзалар тез ўсади, кўп ҳосил тўплайди. Шуни ҳам айтиш керакки, ғўзаларнинг биринчи ва иккинчи ярусларида кўп ҳосил нишоналари тўпланишига эришганимиздагина мажбуриятимизга яраша ҳосил бунёдга келтирдик, куда машиналаримиз унумли ишлайди дея оламиз. Биринчи сорт пахта ҳам шу ярусдаги кўсаклардан олинади.

Колхозимиз комплекс механизациялашган хўжаликка айланди. **Бу йил камида 60 процент ҳосилни «зангори кема»-ларда саранжомлаб олиш ниятимиз бор.** Шунга етарли техникага эгамиз. Уларни икки сменада ишлатиш учун яна 32 йигит-қизни механизация курси ва мактабида ўқитяпмиз. **Ҳар бир тажрибали механизатор ёшлардан 3-4 кишини шогирдликка олди. Устоз билан шогирд мусобақаси ғўза парваришн ва пахта теримида муваффақият гаровидир.** Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг қарори билан мавсумда машинада энг кўп пахта терган механизаторлар «Москвич» енгил машинаси, аравачалик мотоцикл ва бошқа қимматбаҳо саноат моллари билан мукофотланади.

Ҳозирги кунларда механизаторларимиз асосий эътиборни икки муҳим масалага — ғўза парваришини кучайтириш орқали ҳар туп, ҳар қатордаги ғўзаларда иложи борича кўп ва эрта пишар ҳосил тўплашга, айни кезда терим машинасини мавсумга шайлаб қўйишга қаратмоғи керак. Чунки вазият август ойида ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттиришни тақозо этмоқда. Ундан кейин терим бошланиб кетади. Ўшанда дога қолмаслик учун шу кунларда «зангори кема»-ларимизни ремонтдан чиқариб, синовдан ўтказиб қўйишимиз шарт.

Механизаторларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Техниканинг жилови улар қўлида. Ўғит етарли. Сувдан камчил жойимиз йўқ. Шундай экан эндиги вазифа, Аҳмаджон Валиев айтганидек, бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашдан, шон-шуҳратимиз, миллий ифтихоримиз «оқ олтин»дан мисли кўрилмаган даражада юқори ҳосил етиштиришдан иборат. Бу билан механизаторлик касбимизни шарафлаган бўламиз.

Мен сирдарёлик ташаббускор механизатор Аҳмаджон Валиевнинг чақириғига тўла қўшиламан. У мавсумда машинада 700 тонна пахта тераман, ўзим бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадада гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз, дебди. Мен чақириққа жавобан шундай дейман: **мавсумда «зангори кема»да 400 тонна пахта тераман, бригадам бўйича гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга бошчилик қиламан.** Колхозимизда 80 механизатор бор. Уларнинг ҳаммаси шу кунларда универсалларни бошқаряпти. Кузга бориб терим машиналари ўриндиқидан жой олади. Бу йил мавсумда 180 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механизатор бўлмайди. Бу, СССРнинг 50 йиллигига тайёрлаган тўёнамиз бўлади.

Ўғилжон НУРИЛЛАЕВА,
Хоразм область, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

Пешқадамлар

Оққўрғон районидаги «Москва» колхози кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Пахта колхознинг асосий экинларидан. Пахтакорлар бу йил 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 36 центнерга етказиб «оқ олтин» хирмони кўтариш мақсадида ғўза парваришини ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Яхши парваришланаётган ғўзалар қийғос шоналай бошлади.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, район Советининг депутати Муслим Тафиев, Илёс Айвазов, Тошпўлат Маҳмудов, Досейн Қолдибоев сингари моҳир механизаторлар кунлик топшириқларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажармоқдалар.

Хўжаликнинг коммунист Турсунбек Бектоев, Ҳолдибек Оролов, Ислом Алиевлар бошлиқ бригада пахтакорлари ҳосилдорликни 38-40 центнерга етказиш учун мусобақалашиб ишлашяпти.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

Суратларда: колхознинг И. Алиев бошлиқ бригада экин пайкалларида ғўза қатор ораларига ишлов берилаяпти. Юқорида эса, моҳир механизатор М. Тафиев.

Автор фотолари.

АГРОТЕХНИКА АСОСИДА

Шундай кунлар бўладики, киши ҳеч унутолмайди. Назар ака ҳам 1959 йил кузини сира эсдан чиқармаса керак. Унинг бригадаси ўшанда 102 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» кўтарди. Бу, илгари 14-15 центнердан ҳосил олишга кўникилган Ғузор райони шароитида катта шов-шув туғдирди. 1970 йилга келиб бригадада ҳосилдорлик 53 центнерга етди.

— Очиғи, биз мўл ҳосилга, даставвал, даламизнинг суғориш унумдорлик ҳолатини яхшилаш, маҳаллий ва микерал ўғитлардан айниқса азотдан оқилона фойдаланиш туфайли эришяпмиз, — дейди Назар ака. — Ундан сўнг ишимизда мустаҳкам тартиб-интизом бор... Ҳар бир юмушимизда агротехника илмий амалий деҳқончилик билан қоришиб кетган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назар Мейлиқулов бошлиқ бригаданинг экин майдони Авғонбоғ қишлоғи биқинидаги бўлак-бўлак ерлардан иборат. Ҳаммаси 72 гектар. Дарахтлар даланинг умумий кўринишига ажиб бир тус бериб турибди. Пилла-чилар «ялонғочлаб» кетган тутлар ҳам яшил либосга бурканиб қолган.

— Шу ернинг ғўзалари дастлаб қад ростлай олмай, бизни ҳуноб қилди, — дейди Назар ака Ҳамдон деласи узра чўзилган кўм-кўк эгатларга ишора қилиб. — Билсак, ерда нам кўпрок тўпланиб қолибди. Кун қизиб кетди, бу ёқдан оби-тобида ишлов бердик озиқлантирдик. Ҳозирги ривожини қаранг бу ғўзаларнинг. Эртаиндин гул кўрсатади. Ғўзаларимиз ҳозир учинчи марта парваришқилиняпти. Иккинчи сувни бошладик.

Кун қайтиб бораяпти. Ҳаво ҳамон дим. Офтоб аёвсиз сел қуймоқда. Тошкент. — Термиз йўли этагидаги пайкалда универсал сузиб юрибди. Оёғимиз остидан кун юрар томон чўзилган эгатларда сув жилдирайди.

Бригадир кулимсираб таъкидлайди:

— Тағин сиз ҳосилдорлик бўйича бизни колхозда ягона деб юрманг. Зинҳор! Колхозда ҳам, районда ҳам биз билан беллаша оладиган, ҳатто Аҳмад Бердиев бригадасидан бизда ўзиб кетолган бригадалар бор. Бу бригада бултур ҳар гектар ердан 58 центнердан ҳосил олди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Назар Мейлиқулов бошлиқ тажрибакор деҳқонлар бу йил 55 центнердик маррани кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Улар учун ҳозирги долзарб дамлар айниқса кадрли. Бригада миришкорлари ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида тобора кучайтиряптилар. Катор оралариға сифатли ишлов беришмоқда ва ҳар бир туп ниҳол кондириб суғорилмоқда. Натижада ғўзалар бир текис ривожланиб барвақт ҳосил тугишга киришяпти.

К. БЎРОНОВ,
Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз.

ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

ЗАДАРЁ (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). «Восток» совхозининг Жўрабой Маҳкамов бошлиқ бригадасига қараши пахтазорларда ғўзалар ёппасига гуллай бошлади. Миришкор деҳқонлар бу муваффақиятга ғўзаларни энг яхши агротехника муддатида суғориш, чопиқ қилиш, ўғитлаш, бегона ўтларни йўқотиш йўли билан эришдилар.

Бригада аъзоларининг бу йилги ахди-паймони 113 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришдир. Шунинг учун ҳам улар ғўзаларни кунда бир яшнатмоқдалар.

◆ ЧОРВАЧИЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАК БАЗАСИ ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ОММАВИЙ ЯКШАНБАЛИКЛАРИ УТКАЗИЛАДИ. БУ СОҲАДА ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ, КОМСОМОЛ-ЁШЛАРНИНГ ҚИШЛОҚДА КУРСАТАЁТГАН ЁРДАМЛАРИ УМУМХАЛҚ АНЪАНАСИГА, ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЯНГИ АЖОЙИБ НАМУНАСИГА АЙЛАНМОҚДА.

● *Шаҳарлик ўртоқлар! 24 июнь—якшанба куни ем-хашак тайёрлаш хашарига чиқайлик.*

● Табиий ўрмонзорларнинг ўтини ўриш, ғарамлашда ёрдам берайлик.

● Ўрим техникасини унумли ишлатишда кўмаклашайлик.

УСТА СУВЧИ

Асакаликлар Жалолиддин Қаҳҳоровни уста сувчи деб аташади. Бу бежиз эмас. Жалолиддин ака меҳнат фаолиятини асосан сувчиликдан бошлаган. У 25 йилдан буён Ленин номидаги «Социализм» колхозида сувчилик қилади.

Сув — ғўзанинг қони, ҳосил тақдири сувчи билан механизатор қўлида. Буни яхши англаган моҳир сувчи ҳар куни бир ярим-икки гектар ердаги ғўзаларни оби ҳаётга қондириб, серҳосил бўлишини таъминлаяпти. Ғўзаларнинг сувга бўлган талаби ошганлиги сабабли колхоз правлениеси сувчилар сонини яна 40 кишига кўпайтирди. Сувдан кеча-кунду унумли фойдаланиляпти.

Э. БОЛТАБОЕВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ОҚҚЎРҒОН, 22 июнь. (ЎзТАГ). Оққўрғон районида Тошкент область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди.

Область ижроия комитетининг раиси С. Асомов СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллиги шарафига қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг резервлари ҳақида, бу резервлардан фойдаланиш Ватанга бу йил 400 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга имконият яратиб бераржаги тўғрисида гапирдилар. Тошкент областининг деҳқонлари «оқ олтин»ҳосилининг 75 процентини машиналарда териб олишга, давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни 25-30 кун ичида бажаришга аҳд қилдилар.

Ғўза парваришини кучайтириш — суғориш, қатор ораларини ишлаш ва озиқлантиришни жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Дон, сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева ва узум, каноп, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш тадбирлари ҳам белгиланди.

Кенгаш қатнашчилари область қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, июль ойини мўл ҳосил тўплаш учун зарбдор ой деб эълон қилишга даъват этдилар. Шу ойда бутун майдондаги ғўзани камида икки марта комплекс парвариш қилиш ҳамда мўл ҳосил тўплаш кўзда тутилади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ VI СЪЕЗДИ ИШИНИ ТУГАТДИ

22 июнь куни Москвада Катта Кремль саройида Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг VI съезди ўз ишини тугатди.

Съезд делегатлари уч кун давомида жамиятнинг сўнгги тўрт йил ичида қилган ишларининг якунлари ни, КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида идеология фронти ходимлари олдида турган вазифаларни амалий ва ижодий вазиятда муҳокама қилдилар. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигида лекция пропагандаси борасида орттирилган тажрибаларни бир-бирлари билан баҳам кўрдилар. Билим тарғиботчилари—олимлар, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги новаторлари, партия ходимлари, маданият арбоблари барча совет эли-юлалари номидан КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил май Пленуми қарорларини, партия Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан партия ташқи сиёсий йўлини, ленинча тинчлик программасини амалга ошириш соҳасидаги изчил ва муайян максад йўлидаги фаолиятини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар.

Съезд жамият аъзоларини, барча совет эли-юлаларини марксизм-ленинизм буюк ғоялари, фан ва техника ютуқлари пропагандасини янада кенг ривожлантиришга, КПСС XXIV съезди тарихий қарорлари бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

Шундан сўнг Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг уставига қисман ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Съезд жамият правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

22 июнда жамиятнинг VI съезди сайлаган Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг пленуми бўлди. Ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг раиси қилиб яна академик И. И. Артоболевский сайланди.

Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига баланд руҳ билан табриклама қабул қилдилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТАШКИЛИЙ-ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР КАБИНЕТЛАРИНИНГ КОНКУРСИ

Республикамизда бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар ва область партия комитетларининг ташкилий-партиявий ишлар кабинетларида ишни ташкил этиш юзасидан конкурс бошланди. Бу конкурс 1 июлгача давом этади.

Конкурс якунланаётганда ташкилий-партиявий ишлар кабинетларининг амалий фаолияти, методик кенгашларнинг иши, партия ташкилотлари билан алоқаси, кабинетларнинг жиҳозланиши, тўпланган материалларнинг мазмуни ва муҳимлиги, техника воситаларидан қандай фойдаланилаётгани ҳисобга олинади.

Ҳар бир район, шаҳар ва областдаги энг яхши ташкилий-партиявий ишлар кабинетлари учун дипломлар таъсис этилди. Энг яхши деб топилган учта область партия комитетларининг ташкилий-партиявий ишлар кабинетларига I, II, III даражали дипломлар тақдим этилади.

ИЛҒОРЛАР — КПСС САФИГА

Мўйноқ райони бошланғич партия ташкилотларида коммунистлар сафи ишлаб чиқариш илғорлари, энг актив ва юксак онгли кишилар ҳисобига ўсиб бормоқда. «Мўйноқ» совхози ва балиқ-консерва комбинати партия ташкилотлари айниқса КПСС сафига қабул қилинаётган кишиларнинг ижтимоий составига алоҳида эътибор бераётирлар. Бу ерда шу йилнинг биринчи кварталида партия сафига қабул қилинганларнинг 71,4 процентини ишчилар ташкил этди.

Райондаги бир қатор бошланғич партия ташкилотларида партия топшириқларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ёш коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш одат бўлиб қолди.

Бироқ, районда партия сафига янги аъзолар қабул қилишда баъзи хато ва камчиликларга йўл қўяётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам бор. 52 та бошланғич партия ташкилотидан 22 тасида икки йил мобайнида коммунистларнинг сафи ўсмади. Комсомол аъзолари ва хотин-қизлар орасида гоявий-тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилганлиги сабабли сўнгги уч йилда 36 та партия ташкилотида геллардан бирор киши ҳам КПСС сафига қабул қилинмаган.

1970—1972 йиллар давомида фақат 66 кишигина комсомол орқали партияга қабул қилинди. Ҳолбуки, ана шу давр мобайнида 166 ВЛКСМ аъзоси ёши ўтгани учун комсомол сафидан чиқиб кетган. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига КПСС сафига қабул ва ёш коммунистларни тарбиялашда рўй бераётган камчиликларни тугатиш вазифасини топширди.

РАҲБАРЛИК БЎШАШГАЧ...

Яқинда Фориш район партия комитети «Чимқўрғон» совхози партия комитетининг ҳисоботини тинглаб, унинг иш фаолиятини қониқарсиз деб топди. Совхозда оммавий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишларга раҳбарлик бўшаштириб юборилган. Хўжалик ишларига назорат ўрнатилмаган. Сўнгги икки йил давомида партия комитети маъмурият фаолияти ҳамда коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлигини ошириш масаласини бирор марта ҳам муҳокама қилмаган. Баъзи цех партия ташкилотларида партия йиғилишлари вақтида ўтказилмаётир. Уларда муҳим аҳамиятга эга бўлмаган масалалар муҳокама қилинмоқда. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида коммунистларга ахборот бериб борилмайди. Сиёсий маориф машғулотлари паст савияда ўтаётир.

Район партия комитети совхоз партия комитети ва дирекциясига хўжаликнинг барча соҳаларида рўй бераётган қолоқликни тезлатиш тадбирларини ишлаб чиқиш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, хўжаликнинг ҳамма участкаларини тажрибали мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш, ҳар бир коммунистнинг топширилган вазифага масъулиятини кучайтириш, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш вазифасини топширди.



Бугунги Тошкент. Суратда: Студентлар шаҳарчасининг бир қисми акс эттирилган.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЯГОНА ОИЛАДА

СССР 50 йиллиги олдидан Ўзбекистон радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар редакцияси республика Ёзувчилар союзи билан ҳамкорликда ойнга икки марта «Ягона оилада» туркумида қардош адабиётлар радио кунларини ўтказа бошлади.

Кеча кун бўйи радио тўлқинларида РСФСР халқларининг ёқимли куй ва қўшиқлари янграб турди. Қардошларнинг ярим аср давомида эришган ютуқлари, уларнинг маданияти, адабиёти ва санъатининг равнақи эшиттиришларда ўз ифодасини топди. «Ягона оилада» туркумидаги қардош адабиётлар радио кунлари СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Комил Яшиннинг чиқиши билан бошланди.

«Россия — менинг Ватаним» деб аталган радиокомпозицияда ўзбек шоирларидан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, белорус шоирларидан Микола Аврамчук, Максим Лужанин, Михас Машара, Литва шоири Эдуардас Межелайтес, арман шоираси Сильва Капутикян ва турк шоири Нозим Ҳикматларнинг дўстлик мавзуидаги шеърлари эшиттирилди.

Атоқли совет шоирлари ва ёзувчиларининг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида берилган эшиттиришлар айниқса диққатга сазовордир. Александр Твардовскийнинг «Йироқ-йироқлар» номли достонининг айрим боблари Ғафур Ғулом таржимаси ва овозида магнитофон плёнкасида янгради. Шунингдек Константин Паустовскийнинг «Тўртинчи» пьесаси асосида тайёрланган радиоспектакль ҳам тингловчиларни хурсанд қилди.

Ишчи синфининг ворислари

МАРҲАМАТ, КАСБ ТАНЛАНГ!

Ким бўлишим, қандай касбни танлашим керак? Бу савол ҳар бир йигит ва қизни қизиқтиради. Мамлакатимизда ёшларимизнинг касб ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, илмий-техника революцияси ўсган ҳозирги шароитда ёшларнинг касб танлашига бўлган эътибор янада ортмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу ҳақда шундай деган эди: **«Ҳаётга кириб келаётган йигит ва қизлар ўзларига қандай касбни танлаб олмасинлар, актив ижтимоий фаолиятга тайёрланадилар. Аслини олганда бу фаолият мактабда бошланади — ўқувчилар бажарадиган оддий ишлардан бошланади, шундан сўнг катта ҳаётга дастлабки қадамлар қўйилади».**

Ҳақиқатан ҳам ёшларнинг иштиёқини ўз вақтида аниқлаш, йигит ва қизларнинг мактаб партасида ўқиётган чоғларидаёқ меҳнатга халқ сафидан ўз ўрнини эгаллаб олишига ёрдам бериш зарур. Партия Марказий Комитетининг «Ўрта умумий таълим мактаби ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида ҳам бу масала алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қишлоқларда ўқувчиларни н г ишлаб чиқариш бригадалари бошлар ва ўсмирларни қишлоқ хўжалик меҳнатига жалб этишда, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Бу бригадаларда она ернинг ҳақиқий эгалари ўсиб етишмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш тўғрисидаги ғамхўрлик ҳақиқатан ҳам умумхалқ иши бўлиб қолган. Шунга кўра партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилиш, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мактабларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўқув кабинетларини, устахоналарни, лабораторияларни замонавий техника воситалари билан таъминлашда кўмаклашмоқдалар, техника тўгаракларига раҳбарлик қилиш учун мутахассислар ажратиб бермоқдалар.

Шу кунларда ёшлар ўртасида оммавий ишчи касбларини тарғиб-ташвиқ қилишга катта эътибор бериш лозим. Бу соҳада партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, айниқса, ташаббускорлик кўрсатишлари керак. Завод, фабрикаларда очиқ эшик кунлари уюштириш, қурилишларга экскурсиялар қилиш, турли касбдаги кишилар билан учрашувлар ўтказиш, ҳунар-техника билим юртларининг ҳаёти билан ўқувчиларни кенг таништириш ва бошқа кўп тадбирларни амалга ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш жараёнида ишчи касбини, совет ишчиси деган улуғ номни ардоқлаш ва севиш ҳамда ҳурмат қилиш туйғуларини қунт билан ҳар бир йигит ва қиз онгига сингдириб бориш лозим.

Ҳақиқатан ҳам моддий бойликлар яратувчи ишчи бўлиш ҳар бир совет кишиси учун катта шарафдир. Хўш, малакали ишчилик касбини қандай эгаллаш мумкин. Слесарь-ремонтчи, матбаачи, қурувчи, монтажчи, электрик, алоқачи, токарь, ошпаз, тикувчи, қишлоқ хўжалиги механизатори, дурадгор, ромсоз, мебельчи, машинистка бўлиш, ҳуллас, кўп қиррали ҳаётимизда мавжуд бўлган яна кўпдан-кўп касбларни ҳунар-техника ўқув юртларида таълим олиш жараёнида эгаллаш мумкин.

Ҳунар-техника билим юртларида ишчи кадрлар тайёрлаш бўйича турли ихтисосликлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикамизда ҳозир 150 та ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларда 50 мингдан зиёд йигит-қиз таълим-тарбия олмоқда. Айни вақтда ҳам касб берадиган, ҳам ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлайдиган ўрта ҳунар-техника билим юртларининг тармоқларини ривожлантиришга асос солинди. Бундай ўқув даргоҳларининг тармоғи тобора кенгайиб бораётир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўрта ва саккиз йиллик мактабларни тамомлаб чиқаётган ёшларнинг кўпайиб бораётгани партия, совет, комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идоралар олдига уларни рационал ишга жойлаштиришдан иборат муҳим вазифани ҳал этишни кўндаланг қилиб қўймоқда. Янги беш йилликда фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина салкам 1 миллион 800 минг йигит ва қизни ишга жойлаштириш лозим. Бунинг учун йилдан-йилга ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштириб боришга тўғри келади. Бироқ, ҳали ишимизда анчагина камчиликлар бор. Очигини айтиш керакки, малакали ишчи кадрларга катта эҳтиёж сезаётган кўпгина министрликлар ва идоралар ёшларни ҳунар-техника таълими системасида механотга тайёрлашга етарли эътибор бермаётирлар, ҳунар-техника билим юртлари қурилиши ва уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш масалаларини чуқур ўрганмаётирлар. Чунончи, ўтган беш йилликда кўзда тутилган 26,5 минг ўринли ўқув юртларидан атиги ярми ишга туширилди. Уйлаймизки, қатор министрликлар ва идоралар ҳунар-техника билим юртлари биноларини тезроқ қуриб битказишда системамиз коллективига яқиндан ёрдам кўрсатадилар.

Қишлоқ хўжалигининг тез суръатлар билан ривожланишида билим юртларимизни тамомлаб чиққан азамат механизаторларнинг роли каттадир. Қишлоқ ҳунар-теника билим юртлари мунтазам равишда республикамиз механизатор кадрлари сафини тўлдириб бормоқда. Ўзбекистондаги қишлоқ ҳунар-теника билим юртлари колхоз, совхоз ва сув хўжалиги органлари учун ҳозиргача 125 минг тракторчи, пахта териш агрегатларининг механик-ҳайдовчилари, ер кавлайдиган механизмларнинг машинистлари ва бошқа мутахассис кадрларни тайёрлаб берди. Фақат 1966-1970 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги ва ирригация қурилиши учун 78 минг малакали ишчи кадр етиштирилди.

Кейинги йилларда ҳунар-техника билим юртлари билан ўрта мактаблар ўртасидаги алоқа ҳам анча мустаҳкамланди. Тошкентдаги 5-ҳунар-техника билим юрти тўқувчи ва пойафзалчилар тайёрлайди. Мазкур ўқув даргоҳи мактаблар билан яхши алоқа ўрнатган. Шунингдек, Тошкентдаги электриклар тайёрлайдиган 11-ҳунар-техника билим юртида ҳам бу соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Билим юртини тамомлаган электриклар «Узэлектромонтаж» корхонасида самарали меҳнат қилишяпти. Навоий шаҳридаги 29, Қўқон шаҳридаги 38-ҳунар-техника билим юртларида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш намунали йўлга қўйилган.

Лекин ҳали ҳам кўпгина ҳолларда мактаблар билан ҳунар-техника билим юртлари ўртасидаги ҳамкорлик давр талаб қилаётган даражадан анча орқада қоляпти. Натижада умумий таълим мактаблари ўқувчиларини билим юртларига тортишда қийинчиликлар туғилмоқда. Айрим мактаб коллективлари, ота-оналар комитетлари, комсомол ташкилотлари бу соҳада мутлақо бош қотиришмайдилар. Вақолонки, ҳозирги кунда катта ҳаёт бўсағасида турган ўқувчиларнинг келажак тақдирини ҳал этишда барча бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилиши керак.

1975 йилга бориб республикамизда ҳунар-техника билим юртларининг тармоғи икки баробар кўпаяди ва уларнинг сони 264 тага етказилади. Шулардан 94 тасида қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрланади. Беш йил мобайнида совхоз, колхоз ва сув хўжалиги органларига 102 минг малакали ишчи кадр юборилади. Айниқса, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган ва Хоразм областларида механизатор кадрлар тайёрлаш қарийб уч баравар кўпайтирилади.

Ҳунар-техника билим юртлари учун янги, замонавий, тўла-тўкис жиҳозланган бинолар қурмасдан туриб, халқ хўжалиги учун зарур бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам кўзда тутилган объектларни қуриб, фойдаланишга топшириш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим масаладир.

Мирзачўлдаги хўжаликлар механизатор кадрларга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Эски ва янги зоналарда 1972—1975 йилларда саккизта ҳунар-техника билим юртлари қурилиши керак. Беш йилликнинг охирига бориб Сирдарё областида 6600 ўринли 11 та билим юрти ташкил этилади.

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳунар-техника таълими системасига кўрсатаётган катта ғамхўрлигига жавобан биз ўз соҳамиз ишларини қамиша жўшқин давримиз талаблари даражасида олиб боришимиз даркор. Ишончимиз комилки, СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги чиқонланадиган ушбу қутлуғ йилда ҳам республикамиз ҳунар-техника билим юртлари коллективлари ўз олдиларига қўйилган улкан вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Ҳ. КАЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси.

ШАҲАР КЎРКИ

Меъморчилик муаммолари ҳақида

Гўзал Фарғона ўзининг 100 йиллигини байрам қилиш арафасида турибди. Водийда сўнгги йиллар ичида бир қанча кўркам маданий-маиший ва турар-жой бинолари қад кўтарди. Кўп йиллар давомида эса Фарғона шаҳри ўзига хос архитектура қиёфасига эга бўлди. У республикамизнинг анчагина обод шаҳарларидан бирига айланди.

Фарғона деганимизда аввало кўркам бинолари билан биргаликда унинг ниҳоятда кўкаламзорлаштирилгани кўз олдимизга келади. Шу жиҳатдан ҳам Фарғона шаҳри Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлардан ажралиб туради. У қурилиб янада кенгайиб бормоқда. Давлатимиз қурилишга жуда катта маблағ ажратмоқда. Бу маблағлардан ғоятда рационал фойдаланиш зарур. Лекин Фарғонадаги баъзи қурилишларни ўйлаганимизда бу масалада анчагина нуқсонлар борлиги кўзга ташланади.

Фарғона қурилишидан бир неча мисолга мурожаат қилайлик. Фарғона шаҳридан Қирғулига боравершида ўнг томонда тўрт қаватли уй-жой бинолари қурилган. Бу бинолар аввало бош план бўйича шаҳарнинг магистрал инженерлик коммуникацияларни учун ажратилган майдонда қад кўтарган. Бу бинолар шаҳарнинг саноат зонасини бутунлай тўсиб туради. Шу билан бирга жамоат бинолари — 8-трест бошқармаси, политехника институти, ҳунар-техника билим юрти биноларининг архитектура қиёфасини хиралаштиргандай бўлди. Турар-жой бинолари шундоққина йўл ёқасида қурилган, уларнинг орқа томони эса келгусида кўл бўлади. Бу шу ерда истиқомат қилаётган аҳоли учун кўп ноқулайликлар туғдирмоқда. Бу ердаги киприлар магазини, маиший комбинат ёки кинотеатрга бориш учун Фарғона шаҳрига ёки Қирғулига ўтишлари лозим.

Яқинда Железнодорожний кўчасидаги дастлабки 44 хонали турар-жой биноси фойдаланишга берилди. Бу ерда эртаю кеч йирик тегирмон гувиллаб туради. 40 метр нарида эса, биринчи Фарғона станцияси тепловозларининг гудоклари тинимсиз эшитилиб туради. Қизиқ, бу ерда турар-жой биноси қуришнинг нима кераги бор эди? Шу кўчанинг Карл Маркс проспектига яқин жойида эса уч йил муқаддам 9-трестнинг йирик панелли биноси фойдаланишга топширилган эди. Бу ерда турар-жой бинолари ўрнига омборхоналар, савдо базаларни қуриш мақсадга мувофиқ эди. Чунки улар станцияга яқин жойда бўлур эди.

Кўриниб турибдики, архитекторлар биноларга жой ажратишганда аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олишмаган. Улар билан суҳбатлашсангиз, бўш майдон йўқ деб жавоб беришади. Тўғри, аҳоли зич жойлашган Фарғонада бўш ер топиш мушкул. Аммо, биз ҳозир қурилаётган биноларни энг зарур майдонларга жойлаштирмасак, у келгусида бир неча ҳиссага зиён келтириши мумкин. Карл Маркс ва Садовая кўчалари оралигида, деярли шаҳар марказида бир неча ўн гектар массив мавжуд. У шимолда темир йўл билан чегараланган. Ҳозир бу ер пилла станцияси ва саноат корхоналарининг сув чиқариш иншоотларига хизмат қилмоқда. Массив сон-саноқсиз водопровод, канализация тармоқлари билан ўраб ташланган. Шаҳардаги иккинчи бўш ер Садовая кўчасидир. Бу кўчадан шаҳар кўкаламзорлаштириш хўжалигини кўчириш муаммоси ҳалигача ҳал этилмаётир, ваҳолонки Қирғулисойда бу хўжаликка аллақачон жой танланган.

Беш йилликда шаҳарда енгил автомобиллар салкам тўрт ҳисса ошади. Хўш, шаҳар бу машиналар оқимига тайёрми? Кузатиш шуни кўрсатдики, ҳозирги магистрал йўл тармоқларининг 70 процентигина машиналарнинг нормал қатновини таъминлай олади. «Октябрь 25 йиллиги» кўчасидаги қатновни икки усул билан камайтириш мумкин. Уни Новаторлар кўчаси билан туташтириш ёки шу районда уч йилдан бери фойдаланилмасдан келаётган Гидролиз кўчасини очиш керак. Ҳар икки ҳолда ҳам темир йўлдан кесиб ўтиш масаласини ҳал этиш лозим. Шундай қилмасдан илож ҳам йўқ. Чунки Фарғона темир йўл «жабр»ини кўп тортяпти. Темир йўл янги трассага ўтказилмагани учун ҳозир ҳам Фарғона — Қирғули троллейбус линияси ишга тушгани йўқ.

Бошқа соддароқ усул билан ҳам йўлларни кенгайтириш мумкин. Масалан, «Октябрь 25 йиллиги» кўчаси бўйлаб Марғилонсойдан ўтадиган кўприкни кенгайтириш керак. Ленин ва Крупская кўчаларидаги кўприклар ҳам кенгайтирилса, Пушкин кўчасидан Дачага, Охунбобоев кўчасидан Помирга йўл очилса нур-устига нур бўлар эди.

Аҳоли яшайдиган массивларда кварталлар тинчлигини ўйлаб серқатнов кўчалар четида иҳота ташкил этиш, кварталлар ичида ҳовузлар ва ёзги кино кўрсатиладиган майдончалар, кексалар ва болалар дам оладиган майдончалар қуриш мақсадга мувофиқдир. Гидролиз заводи, ёрмой комбинати шаҳарчаларининг дастлабки кварталлари лойиҳачилари худди шуни ҳисобга олишга ҳаракат қилганлар. Ҳозир эса деярли ҳамма микрорайонларнинг аҳолиси ўзини ғўё кўчадагидек ҳис этади. Назаримда, кварталлар ичида кўм-кўк хиёбонлар, «жонли деворлар»дан бекорга воз кечяпмиз. Менимча, кварталларни унчалик баланд бўлмаган кўк «деворлар» билан ўраш кўзни қувонтиради.

Ҳусусий гаражлар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. Шаҳар архитектура бошқармаси ҳусусий гаражлар қуришга кенг йўл очиб қўйган, Ҳолбуки ўша гаражларнинг учдан бирида машина йўқ. Бундай «гаражлар» омборхона ролини ўйнаяпти. Уларни бир бошдан текшириб, номига қурилган «гаражлар»ни тугатиш керак. Шундагина турар-жой кварталлари ҳусниини бузиб турган майда-чуйда «бино»ларга ўрин қолмайди. Ҳозир «УЗНИИП» ва бошқа лойиҳалаш институтлари томонидан янги кварталлар лойиҳаси тузилиб улар асосида биноларнинг қад кўтармоқда. Масалан, Қирғулида сунъий толалар заводининг, Фрунзе массивида механика заводининг микрорайонлари шулар жумласидандир. Бу массивларни планлаштиришда ҳам ҳусусий автомобиллар учун қуриладиган гаражларни қаерга жойлаштириш масаласига етарли эътибор берилмаган. Енгил автомобиллар кўпайиши муносабати билан автомобиль эгалари маблағлари ҳисобига микрорайон ичида гаражлар қуриш ҳақида ўйлаб кўриш керак эди. Бундай гаражларни ертўлада бир блок остида жойлаштириш мумкин. Шунда микрорайонлар эстетик ва маиший талабларга жавоб бера олмайдиган ҳар хил қурилишлардан ҳоли бўлар эди.

Бинонинг кўча томонини пардозлаш борасида ҳам анча нуқсонлар учрайди. Область касаба союзлари биноси ўз вақтида сувоқсиз қолди. «Интурист» рўпарасидаги маиший комбинат биноси қуёш нуридан ҳимоя қилинмаган. Ҳозир Интернационал ва Коммунистлар кўчалари бурчагида пойафзал фабрикасининг уч қаватли ётоқхонаси қад кўтармоқда. Гарчи лойиҳа бўйича бино олд томонини пардозлаш кўзда тутилган бўлса ҳам, қурувчилар шаҳар архитектори рухсатисиз лойиҳага хилоф иш қилмоқдалар.

Қурувчиларнинг «гайрати» архитекторларнинг индамасликлари туфайли шаҳардаги почтамт, аэропорт, Давлат банки, иккинчи экспедиция ва бошқа биноларни олдини ҳар ким ўз хоҳлаганича металл панжаралар билан ўраб олди.

Ҳозир Фарғонада ҳусусий иморат қуришга рухсат берилмаяпти. Бу ерда ҳар бир қарич ер аҳамиятли учун шундай қилинаяпти. Лекин бу борада изчиллик етишмаётир. Комсомол, Абай, Бауман кўчаларида область архитектура бошқармаси рухсати билан ҳусусий уйлар қуриш учун майдонлар ажратиб берилмоқда. Ҳолбуки бу жойлар шаҳар ҳисобига кирса ҳам қишлоқ райони сифатида нормадан ошиқ ер ажратиб берилмоқда.

Фарғонада қадимий биноларнинг ҳам кўп эмас. Тўғрироғи учта— Офицерлар уйи, драма театри, «Новая эра» («Янги дунё») кинотеатри биноларидир, холос. Архитекторлар бу биноларга нозик дид билан пардоз бериш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўришгани йўқ.

Фарғонадан оқиб ўтадиган сойлар кам. Энг йириги Марғилонсой. Унинг ёқаларида яхши кўкаламзор майдонлар, хиёбонлар ташкил этиш суст бормоқда. Туристик станция, область ҳалқ маорифи бўлими омборларини бошқа жойга кўчириш зарур. Ҳамза кўчасида 1969 йилдаёқ чойхона қурилишига майдон ажратиб берилган эди, унинг бир қавати кўтарилганича етибди.

Бу ерда мен кўтарган масалалар областимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам мансубдир. Ҳозирги пайтда архитекторларнинг роли катта. Аммо Фарғонада ярим йилдан ортиқ бош архитектор лавозимига ҳеч ким тайинланмади. Ҳозир Марғилон ва Қўқонда ҳам бош архитектор йўқ.

«Меъморчилик муаммолари» мақоласида ва ундан кейин берилаётган мақолаларда архитектура ансамбллари яратиш борасида йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар дадил ўртага ташланди. Бу менимча, жуда ўринли ва келгусидаги ишимизга катта фойда келтиради. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз жамоли қанчалик замонамизга мос, кўз ва дилни қувонтирадиган бўлса, биз шунга ҳурсандмиз. Зотан архитекторлар ва лойиҳачилар учун шаҳарларимизни чиройли қилишдан кўра каттароқ бахт йўқ.

А. КИСЛОВ,
инженер-бинокор.

ТУЯМЎЙИНГА ПОЕЗД ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Туямўйин гидроузелининг қурилиш майдонига поездлар қатнай бошлади. Ҳозирча бу поездлар Чоржўй—Қўнғирот темир йўлининг бу ерда қурилаётган станциясига рельслар ва шағаллар ташиб турибди, холос. Аммо тепловозлар ҳозир станция йўлларида беҳалол маневр қилмоқда.

Янги темир йўл станцияси ва бу станциядан қурилиш базасига ўтказилган йўллар гигант гидротехника комплексининг тўғонини ва бошқа объектларни қуриш учун материалларни узлуксиз етказиб беришни таъминлайди. Бу қурилишга фақат цементнинг ўзидан камида 300 минг тонна, шағалнинг ўзидан 1,5 миллион куб метрдан зиёдроқ, бир неча минг куб метр ёғоч ва тахта, кўп миқдорда қурилиш деталлари ва ускуналар ташиб келтириш керак.

«Средазтрансстрой» трести 206-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи Туямўйин станциясини поездларнинг мунтазам қатнаши учун йил охиригача тайёрлаб беришга қарор қилди.

Ф. КОСТЮШКИН,
ЎзТАГ мухбири.

Йирик Сирдарё нурхонаси жадал суръатлар билан қад ростлаяпти. ГРЭСнинг пешқадам монтажчиси Анатолий Ештокин топшириқларни муттасил 130-140 процент адо этишга эришяпти. СУРАТДА: монтажчи А. Ештокин.
А. Тўраев фотолари.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Кундалик ҳаётдан хабардор бўлмаган деган кишн газета ўқийди. У ўқийдиган газетаси қизиқарли бўлишини, мақола ва хабарларнинг нуқсонсиз чиқишини истайди. Лекин, Тўрткўл районидаги «Коммунизм ғалабаси» газетасининг айрим сонлари меҳнаткашлар талабига жавоб бермаяпти, стилистик ва орфографик хатоларга йўл қўйилмоқда. Газетанинг 7 март сони бунга мисол бўла олади. Унда стилистик ва орфографик хатолардан ташқари, «Марра—35 центнер» сарлавҳали мақоланинг фактлари нотўғри.

Юқоридаги мазмунда ёзилган хат юзасидан Тўрткўл район партия комитети текшириш ўтказганда келтирилган фактлар тасдиқланган. Газета редколлегияси бу масалани ўз йиғилишида муҳокама қилган. Газетанинг 7 март сонига навбатчилик қилган А. Огабердиевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. Газетанинг сифатини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳар касбнинг ўз гашти бор. Шу билан бирга қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Пахтакорлар пахта етиштиришни кўпайтириш билан номини шарафлайди. Ғаллакорлар, чиллакорлар, боғбонлар ҳам шундай. Бизнинг касбимиз чорвадор-сабзавоткор. Шу сабабли сут, гўшт, сабзавот маҳсулотлари, картошка тайёрлашни кўпайтириш, халқимизга манзур қилиш учун курашамиз. Меҳнатимизнинг меваси эса эл-юрт орасида эътиборимизни оширади.

Колхозимизда чорвачилик соҳаси партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари асосида одиб борилярти. Баъзи хўжаликларда чорвачилик давлатдан озуқа сотиб олиш йўли билан ривожлантирилаётган бўлса, биз ўзимизда етиштирилаётган ем-хашак базасида чорвачиликни тараққий эттириб, маҳсулот миқдорини кўпайтирямиз. Партиямизнинг XXIV съездида чорвачилик учун озуқа, озуқа ва яна озуқа зарурлиги алоҳида таъкидланди. Биз шу йўлдан боряпмиз. Буни факт ва рақамлар билан кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Ўтган йили хўжалигимизда 3 минг тонна силос, 724 тонна кўк беда сенажи, 1.200 тонна дағал хашак тайёрланди. Шуни айтиш керакки, ем-хашак жамғариш ишнинг бошланиши, холос. Ўша озуқанинг тўйимлилик даражасини ҳисоблаб чиқиб, унинг ҳар килограммидан маълум миқдорда кўзлаб фойдаланилгандагина кутилган натижага эришилади. Биз шундай тартиб ўрнатганмиз: баҳор бошланиши билан хашак ўримини қизитамиз. Бу ишни кеч кузгача давом эттирамиз. Қишлов бошланишидан олдин мутахассислар иштирокида мавжуд ем-хашак чорва молларга тақсимлаб чиқилади, маълум миқдорда эҳтиёт фонди ажратилади. Уни сарфлаш маъсул кишига топширилади. Қишлов давомида сигир соғувчилар, молбоқарлар ва мутахассисларнинг кўрсатмаси билан озуқа рациони ўзгартириб турилади.

Бултурги тўпланган ем-хашак тақсимлаб кўрилганда ҳар бош сигирга салкам 3 тоннадан сенаж, 8 тоннадан силос, 2 тонна 200 килограммдан дағал хашак тўғри келди. Етарли миқдорда концентратга эга эдик. Бутун қишлов жараёнида сигирларни ана шу озуқалар билан боқиб чиқдик, уларнинг иштаҳасига қараб, баъзан ем-хашакни алмаштириб турдик.

Натижа чакки бўлмади. Хўжалигимиз бўйича 894 тонна сут тайёрланди. Шундан 740 тоннаси давлатга сотилди, қолган қисми эса ички эҳтиёж учун сарфланди. Ҳар йили сут тайёрлаш 90-100 тонна атрофида кўпайтирилиб борилярти. Биз давлат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўямиз, партиямиз шундай таълим беряпти. Шу билан бирга меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтириш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишимиз лозим.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорвачилик соҳасидаги оғир ишларни комплекс механизациялаш, шу йўл билан чорвадорларнинг унумли ишлашлари, ўзларининг назарий билимни ва тажрибасини оширишларига алоҳида эътибор беряпти. Фермамизда ўртача 250 бош сигир боқилиб соғилади. Шундан 30 боши қарилиги, маҳсулдорлигини камайтирганлиги учун алмаштириб борилади, уларнинг ўрни қўлбола ғунажинлар ҳисобига тўлдирилади. Ана шу 250 бош сигирни атиги 10 киши соғади. Сигирларни соғишга тайёрлаш ва соғиш осон иш эмас. Лекин сут соғиш агрегатлари ўрнатилганлиги, мунтазам ишлаётганлиги учун чорвадорларимиз сира қийналмайдилар.

Хўжалигимизда сигир соғувчилик касбини мукаммал эгаллаб олган кишилар кўп. Мисол учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мунаввар Исҳоқовани олайлик. У 25 бош сигирни парвариш қилади. Ўтган йили ҳар бош сигирдан 4067 литрдан сут соғиб олди. Эътироф этиш керакки, ферма ходими нечоғли малакали бўлмасин, бундай мураккаб ишни қўл билан бажариши қийин. Ваҳолонки, моҳир сигир соғувчи тайёрлов пунктига 105 ярим тонна сут топширди.

Мунаввар Исҳоқованинг 1972 йилги мажбурияти ҳам чакки эмас. Ҳар бош сигирдан 4.200 литрдан сут соғиб олишга сўз берди. Шу кунгача тайёрлов пунктига 56 тонна серқаймоқ сут топширди. Сигирларининг бир бошидан олинган сут ҳозирча 2.140 литрни ташкил этди. Бу, сигир соғувчи ҳалол меҳнатининг меваси, фермага ўрнатилган меҳанизмлар шарофати!

Колхозимизда бундай меҳнатсевар ферма ходимлари кўп, улар халқ хизматкорининг изидан бориб, яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Қутби Файзиева, Инобат Аҳмедова, Ноиба Едгорова, Хадича Орипова ўртоқлар ҳам ўзларига бириктирилган сигирлар парваришини яхшилаб, механизмлар қувватидан унумли фойдаланиб ҳар бош сигирдан 4 минг литрдан ошириб сут соғиб олмоқдалар. Ҳар куни шаҳар халқига уч ярим тонна серқаймоқ сут жўнатиляпти.

1972 йил — СССР ташкил топганининг 50 йиллиги нишонланадиган юбилей йили. Колхозимиз чорвадорлари тўйга муносиб тўёна тайёрлашга азму қарор қилганлар. 1000 тонна сут тайёрлаймиз, шундан 820 тоннасини давлатга сотамиз. Мажбуриятимиз ана шундай. Шу мақсад йўлида молбоқарлар, сигир соғувчилар, ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари, мутахассислар бир жон, бир тан бўлиб астойдил меҳнат қиляптилар.

1972 ЙИЛГИ МАЖБУРИЯТЛАР

✦ 1.000 тонна сут, 80 тонна гўшт тайёрланади.

✦ **Давлатга 820 тонна сут, 70 тонна гўшт сотилади.**

✦ Ҳар сигирдан 4.000 литр сут олинади.

✦ **Шаҳар аҳолисига ҳар куни 3.500 литр сут жўнатилади.**

✦ Қорамолнинг тирик вазни 420 килограмм бўлади.

✦ **1.500 тонна сенаж, 3.000 тонна силос бостирилади.**

✦ Хашаки лавлаги тайёрлаш 1.200 тоннага етказилади.

Энди гўшт етиштиришни олиб кўрайлик. Ҳар йили 80 тонна атрофида гўшт тайёрлаб, шундан 70 тоннасини давлатга сотамиз. 1972 йилда эса 90 тонна гўшт етиштириш, унинг 80 тоннасини она-Ватанга армуғон этиш мажбуриятини олдик. Биз тайёрлов пунктларига кўп туёқ топшириш ҳисобига гўшт тайёрлашни кўпайтирмоқчи эмасмиз. Қорамолларни бўрдоқига боқиш йўли билан умумий гўшт миқдорини 10 тонна кўпайтирмоқчимиз, сортини яхшиламоқчимиз. Бундан давлат, хўжалик ва қолаверса, чорвадорлар катта иқтисодий фойда кўради. Бултур тайёрлов ташкилотларига топширилган ҳар бош қорамол 417 килограмм тош босди. Бу йил эса ўша рақамни 420 килограммга етказамиз, ундан ани ча оширамиз. Шундай қилиб, аввало, туёқ сонини сақлаб қолсак, қолаверса, гўшт миқдорини кўпайтирамиз.

Паррандачилик — чорвачиликнинг тармоғи кимсидир. Халқимиз паррандачиликни етти хазинанинг бири деб атайди. Қорамолчиликни тараққий эттиришга нечоғли аҳамият бераётган бўлсак, товуқ фермасининг ишини яхшилашга ҳам эътиборни шунчалик кучайтиряпмиз. Ўтган йили товуқбоқарларимиз 163 минг дона тухум тайёрлаган эдилар. Бу йил 170 минг рақамини кўзлаб турибмиз.

Бу йил кўк беда сенажи миқдорини 1.500 тоннага етказамиз. Силос ўтган йилдаги миқдорда қолади. Дағал хашакни эса яна 300 тонна кўпайтириб, 1.500 тоннага етказамиз. Лекин бошқа бир яхши ниятимиз бор. 1.200 тонна хашаки лавлаги тайёрлаб, озуқа рационига киритамиз. Шундай қилиб, сигирлар ва сўкимга боқиладиган қорамолларнинг емини янада яхшиланади. Бу, маҳсулот бирлигининг кўпайишида катта роль ўйнайди.

Чорва қишловига тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордик. Шу кунгача сенаж ўраларига 700 тонна сўлитилган кўк беда босилди. Бу йил беда майдонини 30 гектар кенгайтирдик. Ҳамма майдонларда беш ўрим ўтказиб, олинган беданинг ҳаммасини сенаж қиламиз. Олтинчи ўримга кирган бедани эса сигирлар ва қорамолларга кўк ҳолида едирамиз. Ҳар ўримдан кейин бедазорлар ўғитланиб сугориляпти, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик чоралар ўтказиляпти.

Маккажўхори майдонини ҳам муттасил кенгайтириб боряпмиз, ҳосилдорликни ошириш чораларини кўряпмиз. Бу йил маккажўхори дони етиштиришга алоҳида аҳамият берамиз. Ўруглик участкасининг ҳар гектаридан олинадиган донни кўпайтириб борамиз, шу йилнинг ўзидагина 50 тонна сараланган, райондаштирилган, касалликларга чидамли маккажўхори дони тайёрлаймиз. Шундай қилиб, хўжалигимиз ўзини-ўзи уруглик билан таъминлайди. Ундан ташқари юқорида айтилганидек, маккажўхоридан 3 минг тонна силос бостирамиз.

Шундай қилиб, қишловнинг деярли ярмигача сигирлар ва қорамолларни кўк беда, бачки маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа озуқабоп ўтлар билан боқамиз. Сўнгра сенаж ва силосни сарфлаймиз.

Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан мақсад халқ турмуши фаровонлигини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиш, шунингдек, катта даромад олиб, хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш, чорвадорларнинг шахсий манфаатдорлигини оширишдир. Бунинг учун тежамкорлик билан иш тутиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик талаб этилади. Правление ва партия ташкилоти чорвадорларнинг эътиборини маҳсулот таннархини камайтириш, рентабелликни оширишга қаратмоқда, кам меҳнат ва маблағ сарфлаш йўли билан кўп маҳсулот олиш зарурлигини уларнинг онгига сингдирмоқда.

Ўтган йили бир центнер сут етиштиришга 17 сўм 90 тийин, бир центнер гўшт тайёрлашга эса 180 сўм маблағ сарфланди. Бу, аввалги йиллардагига нисбатан яхши кўрсаткич. Лекин, республикамиздаги илғор хўжаликларнинг кўрсаткичига қиёсланадиган бўлса, маҳсулот таннархини камайтириш учун ҳали кўп иш қилишимиз, ортиқча сарф-харажатларни кескин камайтиришимиз лозим бўлади. Ички резервларни ҳисоблаб чиқдик. Бу йил бир центнер сут етиштиришга 16 сўм, бир центнер гўшт тайёрлашга эса 150 сўм маблағ сарфлашни планлаштирдик. Лекин ички имкониятларимиз ишлаб чиқариш планида белгиланганидан анча яхши кўрсаткичларга эришиш мумкинлигидан далолат беряпти. Маҳсулот таннархини камайтириш, рентабелликни ошириш учун механизмлар қувватидан фойдаланишни янада кучайтирамиз, ем-хашакнинг чиқиндига чиқишига сира йўл қўймаймиз.

Фермада меҳнат унумдорлигини ошириш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган. Шу мақсадда молбоқарлар, сигир соғувчиларнинг малакаси оширилярти. Фермага ўрнатилган «Волга» маркали соғиш агрегати чорвадорларимизга жуда ёқиб қолди. У ихчам, бенуқсон ишлайди, сигирларнинг сутини тез ва тўла соғиб олади. Мунаввар Исҳоқова илгари боқимидаги сигирларни соғиб олишга 2 ярим-3 соат вақт сарфлар эди. «Волга» агрегати билан сигир сога бошлагач, бу ишни бир-бир ярим соатда муваффақиятли тугаллаяпти. Сигир соғишда вақт ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сигирлар вақтида соғилмаса сутини камайтириб юборади, ҳатто касалликка чалинади. Фермамизда сигирлар кунига уч марта — эрталаб соат 4 да, кундузи соат 12 да ва кечқурун соат 8 да соғилади. Шундай графикка ўргатилгани учун соғиш вақти яқинлашганда сигирлар ё безовталаниб қолади, ёки агрегатлар ёнига келиб олади. Биз ҳар бош сигирдан кунига 14-15 литрдан серқаймоқ сут соғиб оляпмиз. Илғор сигир соғувчиларимиз эса бу кўрсаткични 28-30 килограммга етказиб, қувонарли натижаларга эришмоқдалар. Партия ташкилоти илғорлар тажрибасини кенг кўламда оммалаштиряпти. Сигирларнинг озуқа рационини белгилаш катта аҳамиятга эга. Чорвадорлар орасида «сигирнинг сути елинида эмас, емишида» деган гап бор. Ширали ем-хашакка тўйдирилган сигирлар кўп ва серқаймоқ сут беради. Оҳурга қуруқ чўп ташлаб қўйилган билан сут кўпаявермайди.

Фермада туёқ сонини кўпайтириш, юқорида айтилганидек, қўлбола ғунажинлар ҳисобига бўляпти. Бундан кейин ҳам шу йўлдан борамиз. Бунинг учун сигирларнинг қисир қолишига қарши қаттиқ профилактик чоралар кўриляпти. Тирик вазни 400 килограммлик сигир уруғитлиб туққунча ўртача 500 килограмм тош босади. Демак, унинг озуқага бўлган талаби ҳам ошади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бўғоз сигирларни айниқса меҳр билан парваришлаш керак. Шунда бола ташлашига йўл қўйилмаган бўлади.

Чорвачилик хўжалигимизнинг сердаромад тармоғига айланди. Ўтган йили бу тармоқдан 44 минг сўм соф фойда олинди. Бу йил соф фойдани камида 60 минг сўмга етказамиз. Чорвадорларимизнинг шахсий даромади ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Сигир соғувчиларимиздан Мунаввар Исҳоқова, Инобат Аҳмедоваларнинг бир йиллик даромади ўртача 2000 — 2200 сўмни ташкил этмоқда. Молбоқаримиз Ўсар Обидов бултур 2.153 сўм даромад олди.

Чорвадорларимиз юбилей йили мусобақасини қизитиб, давлатга сут топшириши авж олдиришяпти. Шу кунгача колхозимиз тайёрлов пунктига 487 минг 600 литр сут топшириб, олти ойлик планни анча- ошириб адо этди. Ҳозир саккизинчи ой ҳисобига маҳсулот топшириляпти. Фермамизда пландаги 610 бош ўркига 730 бош қорамол парваришланяпти. Ўтган олти ойда 110 бош ўрнига 123 бош бузоқ олиниб, яхши натижага эришилди.

Ютуқларимиз катта. Лекин галдаги вазифаларимиз янада улканроқ. Бутун куч-ғайратимиз, билим-тажрибамизни ишга солиб, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини, хусусан, 1972 йилдаги социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажарамиз.

Турғун МИРЗАЕВ,
Тошкент область, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Наби САИДОВ,
колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Наби ТЎЛАГАНОВ,
бош зоотехник.

Низом ЭРГАШЕВ,
ферма мудири.

СУРАТЛАРДА: моҳир сигир соғувчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мунаввар Исҳоқова ва унинг боқимидаги серсут сигирлар.

А. Тўраев фотолари.

ҲАФТАЛИГИ

Грузия табиати ўзининг битмас-туганмас бойлиги билан кишиларни азалдан маftун қилиб келган. Унчалик катта бўлмаган ўлка территорияси қорли тоғ чўққиларини, субтропик иқлимли Қора денгиз қирғоқларини, серунум Альп ўтлоқларини, қақроқ чўлларни, текислик ва ясси тогликларни ўз бағрига олади.

Қишлоқ хўжалигининг ривожи учун ана шундай хилма-хил табиий шароитда шубҳасиз турлича билим ва тажриба зарур. Янги усуллар топиш, уларнинг ҳар бирини илмий асослаш ҳам катта меҳнатталаб юмушлардир. Бунинг учун аввало малакатда малакали миллий кадрларнинг катта армиясини тайёрлаш ва табиат бойликларини инсон ҳукмига буйсундириш керак.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Тбилиси университетида агроном ва ўрмончунос миллий кадрларни тайёрловчи агрономия факультёти иш бошлади. И. А. Жавахишвили, П. Г. Меликишвили, С. З. Курдиани, Ю. Н. Ломоури, К. М. Амиражиби, Д. П. Гедеванишвили, Н. П. Иоселиани, И. Л. Жандиери, С. М. Чолокашвили каби кўплаб олимлар қишлоқ хўжалиги соҳасида катта илмий изланишлар олиб бордилар. Бироқ алоҳида илмий тадқиқотлар базасининг йўқлиги, илмий педагогик кадрларнинг етишмаслиги натижасида кўзланган мақсадга эришилмади.

1922 йили Грузия қишлоқ хўжалиги миллий кадрларга ғоят муҳтож давр эди. Шу йили университетнинг агрономия факультетини ҳаммаси бўлиб 23 киши тамомлаб чиқди. Сўнгги йилларда эса бу рақам ўсиб борди. Кейинги 6 йил ичида тайёрланган агроном ва ўрмончунослар сони 577 кишига етди.

Шу мислсиз социал ўзгаришлар, янгича ҳаёт ва янгича иқтисодий қурилишлар даврида Тбилиси давлат университетининг агрономия факультети базасида Грузия қишлоқ хўжалиги институти вужудга келди. Ўлка қишлоқ хўжалигининг тараққиёт босқичлари ана шу институт тарихи билан узвий боғлиқдир.

Институт бағрида дастлаб ўрмон хўжалиги, боғдорчилик ва узумчилик, тупроқшунослик каби саноқли факультетларгина ташкил этилди. Бу илм маскани кейинчалик ўсди, ривожланди. Янги-янги кафедралар, факультет ва лабораториялар, ўқув-тажриба базалари вужудга келди.

Уруш йиллари институтнинг кўпгина олим, ўқитувчи, аспирант ва студентлари фронтга кетишди. Машғулотлар алоҳида программалар асосида ўтказилди. Ўқитувчи ва студентлар дам олиш чоғларида республика хўжалик тармоқларида меҳнат қилдилар. Фронт буюртмаларини ишлаб чиқарувчи лабораториялар ташкил этилди.

Урушдан сўнгги биринчи йилни олий ўқув юртининг коллективи алоҳида қувонч билан кутиб олди. Институт Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Айниқса, кейинги ўн йил ичида институт Грузиядаги энг йирик билим масканларидан бири бўлиб қолди. Урушдан сўнгги икки беш йилликда бу ерда 5 мингга яқин мутахассис тайёрланди.

Саккизинчи беш йиллик институтнинг шонли тарихида ёркин давр ҳисобланади. Бу даврда институт ўзининг Мухрани ва Дигомидаги иккита йирик ўқув-тажриба хўжалигини бирлаштирган улкан ишлаб чиқариш базасига эга бўлди.

Йигирманчи йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигини йўлга қўйиш ва ўқув юртларида дарс бериш учун чет ўлкалардан ўқитувчи ва олимлар таклиф қилинар эди. Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчи ва олимлари халқаро симпозиум, конгрессларда қатнашмоқдалар, чет эл олий ўқув юртларида лекциялар ўқимоқдалар.

Институтнинг бизга юз кишилик аспирантурасида чет эл вакиллари ҳам таълим олишади. Яқиндагина бу ерда Монголия, Миср Араб Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикасидан келган уч аспирант кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Институт кейинги йилларда йирик кадрлар ўчоғи бўлибгина қолмай, қишлоқ хўжалик фанларининг муҳим марказига ҳам айланди. Олимлар ва талабалар республика тупроқ шароитини ўрганиш, дорилаш системасини ишлаб чиқиш, агрохимик картограммалар тузиш, янги навлар яратиш, турли тармоқларининг иқтисодий қувватини ошириш ва хўжаликни кадрлар билан таъминлаш сингари қатор соҳаларда муҳим ишларни амалга оширдилар. Институт профессорлари томонидан икки юзга яқин оригинал дарсликлар яратилди.

Институт қўйнидан бугунгача 30 мингга яқин малакали мутахассис етишиб чиқди.

Грузия қишлоқ хўжалиги институти тараққиётнинг янги палласига кирди. Тўққизинчи беш йилликда институтнинг ўқув ва ишлаб чиқариш базасини тағин ҳам кенгайтириш кўзда тутилган. Кўп минг кишилик институт коллективининг бутун куч ва ғайрати ана шу мақсадга эришишга қаратилган.

И. САРИШВИЛИ,
Меҳнат Қизил Байроқ ордени Грузия қишлоқ хўжалиги институтининг ректори.

КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Абхазия АССР, Гудаут районидаги Дурипши ва Лихна қишлоқларида ҳали-ҳамон ёши 80 дан ошган кекса авлод вакиллари меҳнат қилишади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидан Муран Тарба 92 ёшда, Темур Тарба 100 ёшда ва Кастей Тания эса 70 ёшда. Суратда: Дурипши қишлоғи колхози ветеранларидан (чапдан) Муран Тарба, Кастей Тания ва Темур Тарба.

Г. Киквадзе фотоси. (ТАСС).

Пойтахтимиз меҳмонлари

ГАСТРОЛЬ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда Тошкентдаги Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри саҳнасида Новосибирск Давлат Академик опера ва балет театри ижодий коллективи ўз гастроль-томошаларини муваффақият билан давом эттирмоқда. Мухбиримиз театр санъаткорларининг бир нечаси билан учрашиб, суҳбатлашди.

ШАҲРИНГИЗ МАФТУНИМАН

Л. Н. КРУПЕНИНА,
СССР халқ артисткаси, раққоса.

СССР ташкил топганининг ярим асрлик юбилейини нишонлайдиган бу йил театримиз коллективи ва шахсан мен учун эсда қоларли ажойиб йил бўлади. Коллективимиз юбилей йили муносабати билан бошланган СССР халқлари санъати байрамига қўшилиб, ўз томошаларини намойиш қилмоқда. Серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкентга биринчи марта гастролга келдик. Очиғини айтиш керакки, шахсан менга Тошкент ўз чиройли, яшиллиги, кўркам

боғлари, зилол сувлари ва мусаффо ҳавоси билан ёқиб қолди. Одамлари жуда ҳам меҳмоннавоз, санъатсевар экан. Мен Иттифоқимизга машҳур бўлган раққосалар Галия Измайлова, Клара Юсуповалар ўз маҳоратларини намойиш қилган ўзбек саҳнасида юксак дидли томошабинлар билан учрашаётганимдан беҳад мамнунман. Менинг «Уйқудаги гўзал», «Оққуш кўли», «Тошгул»даги ижро этган партияларим томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олиняпти. Уларга қуллуқ!

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

И. А. ЗАК,
РСФСР халқ артисти, театрнинг бадиий раҳбари.

Узбекистонга, Тошкент шаҳрига аввал ҳам келганман. Қуёшдан муттасил нур эмувчи, яшил либоса бурканган бу ўлка менинг қалбимдан чуқур ўрин эгаллаган. Коллективимизнинг бу гастроли шарафли ва масъулиятлидир. Юбилей йилида икки республика санъаткорлари ўзаро ижодий ҳамкорликни бошлаб юборганликлари жуда ҳам қувонарли воқеа бўлди. Шу кунларда Ўзбекистонлик опера ва балет санъати усталари Новосибирск саҳнасида ўз асарлари билан томошабинларни хушнуд қилаётган бир пайтда, бизнинг театр усталаримиз ўзбек тупроғида ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Коллективимиз бир ой мобайнида 14 номдаги опера ва балет асарларини кўрсатишни мўлжаллади. Мана, 10 кундан бери томошабинлар спектакларимизни мамнунлик билан келиб кўришмоқда. Энг яхши санъат ва саҳна усталаримиз уларга юракдан ихлос кўрсатишмоқда.

САНЪАТСЕВАРЛАРГА САЛОМ

Лариса МАТЮХИНА,
театр раққосаси.

Новосибирск театрининг балет труппаси аъзоларининг ёш раққосаларидан бирман. 1969 йили хореография билим юртини тугатиб, театр составига ишга ўтдим. Катта саҳнада илк бор 1970 йили кўриндим. П. Чайковскийнинг машҳур «Уйқудаги гўзал» балетида бош қаҳрамон Аврора партиясини олиб чиқдим. Шундан кейин «Париж алангаси»да Жанна, «Золушка»да Золушка, «Оққуш кўли»да Одетта-Одилия партияларини ўйнадим. Шу кунларда Д. Шостаковичнинг «Ойимқиз ва безори» балетидаги Ойимқиз партияси устида иш олиб бормоқдаман.

Коллективимиз билан Иттифоқимизнинг Сочи, Краснодар, Красноярск, Омск ва Иркутск шаҳарларида ҳамда Венгрия, Австралия, Новая Зеландияда гастроль-сафарларда бўлдим. Ҳамма ерда ўз санъатим билан томошабинларни қувонтиришга ҳаракат қилдим.

Тошкентликлар талабчан, санъатсевар, маданиятли томошабинлардан эканликлари мени хурсанд қилмоқда. Мен гастроль кунлари «Париж алангаси», «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал» балетларида бош партияларни ижро этаман.

Мен гўзал ва кўркам, яшил ва мафтункор Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи санъатсевар, зукко томошабинларга юрак саломимни йўллайман.

ОҚ ЙЎЛ, ЧЕМПИОН!

21 июнда жаҳон шахмат чемпиони Борис Спасский Рейкьявикка учиб кетди. Бу ерда 2 июлда Спасский билан Роберт Фишер (АҚШ) ўртасида жаҳон биринчилиги учун мусобақа бошланади. Халқаро гроссмейстер Ефим Геллер (секундант), СССР шахмат федерациясининг вакиллари, халқаро гроссмейстер Николай Крогиус ва халқаро мастер Ивo Heй чемпион билан бирга Исландия пойтахтига жўнаб кетдилар.

Чет эл агентликларининг хабар беришича, Фишер Рейкьявикка 24 июнда учиб келмоқчи. (ТАСС).

МАРДОНА ЎЙИН

Пахтакорчилар яна бир бор ғалаба нашъасини суришди. Бугунги кунда командамиздан мамнун мухлислар мана бундай дейишлари мумкин: Пахтакорчилар 10 ғалабани қўлга киритишди. Шундан бештасида кетма-кет муваффақият қозонилди, 15 ўйиннинг 6 қолган 3 таси дуранг, 2 таси мағлубият билан тугади. Тўплар нисбати 26-13 бўлиб, очколари 23 тага етди.

«Пахтакор»нинг биринчи даврани карвонбоши сифатида якунлашга ништиёқи зўр. Давра тугаб, ғалвир сувдан кўтарилгунга қадар командамиз яна 4 учрашув ўтказади. Иккитасини ўз майдонида ўйнайди, қолганларида ўзгалар майдонида меҳмон бўлади. Командамиз қарийб бир ой давом этган сафар ўйинларини муваффақиятли ўтказди. Пешқадамликни юқори ўринларга кўпдан бери даъвогарлик қилаётган командаларга бой бериб қўймади. 15-турда «Пахтакор» ўз мавқеини тағин мустаҳкамлади. 4-2. ўринларга даъвогар командаларнинг ўрни ўзгарди. Энди кутансилик футболчилар фахрли иккийлик погонани эгаллашди. Қолган ўринларда «Черноморец», «Шахтёр» ва «Звезда» командалари жойлашди.

Футболчиларимиз сўнгги сафар ўйинларини тоғли ўлкада — қардош Тожикистоннинг «Помир» командаси билан ўтказдилар. Душанбаликларнинг бу йил шашти баландлиги мухлисларга аён. Бу команда мавсумни бўшроқ бошлаган бўлса-да, кейинги ўйинларда қаторасига ғалабага эришиб эътибор қозонди. Помирчилар «Пахтакор» билан бўладиган биринчи расмий учрашувга қизғин ҳозирлик кўришди. Учрашув Фрунзе номидаги марказий стадионда бўлди.

Душанбаликлар стадионда — бир кун илгари «Пахтакор» командаси ўринбосарлари жавобсиз икки тўп билан ғолиб келишгандан хабардор бўлиб, наҳотки асосий состав ҳам мағлубиятга учраса, деган хаёлда қаяжонларини босолмай ўтирадилар. Пешқадамлик қилиб турган дублёрлар ўйинида тўпларни Тўлаган Исҳоқов киритди.

Учрашув майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Помирчилар дастлабки минутлардаёқ дарвозабонимиз Пшеничниковни таҳликага солиб қўйдилар. Меҳмонлар бироз сусткашлик билан мудофаага ўтиб туришди. Уларнинг бир-икки бор бўшгина ҳужумлари натижа бермади. Бу сафар биринчи группа бомбарди. мончиси Абдураимов иштиёқсиз ҳаракат қилди. Помирчилар эса, аксинча, дадил ва аниқ ҳаракатлар билан ҳужумга куч бердилар. Ўйиннинг 40-минутида Макаров оширган тўпни Мартьян чаққон олдинга олиб ўтиб, Пшеничниковни доғда қолдирди.

Танаффусдан кейин пахтакорчилар ўзгача ўйин кўрсатишди. Улар уюшқоқлик билан ўйнаб ташаббусни қўлга олдилар. 55-минутда Михаил Ан ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Майдон эгалари шошиб қолаёзишди. Орадан 4 минут ўтгач, пахтакорчилар яна маҳорат кўрсатдилар. Навбатдаги ҳужумда мудофачи ёриб ўтган меҳмонлар олдинга интилдилар. Тўпни Кузьмин Фёдоровга аниқ оширди. У икки ўйинчини алдаб ўтиб, фақат тезкорлиги туфайлигина «Пахтакор»га ғалаба келтирди. Ҳисоб 2:1.

Шундай қилиб «Пахтакор» Душанбада мардона ўйин кўрсатиб, қимматли икки очко олиб қайтди. Командамиз навбатдаги учрашувни ўз майдонида 3 июль куни кутансилик торпедочилар билан ўтказади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

ЛАОС. Ватанпарвар кучларнинг дадил ҳаракатлари туфайли душман кўплаб талафот бермоқда. Суратда: генерал Ванг Пао «махсус» кучларининг солдатлари Лаос халқ озодлик армияси жангчиларига таслим бўлишмоқда.

ВИА — ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Вроцлав—Ключбок ўртасидаги юз километрли узунликдаги темир йўлни электрлаштириш ишлари тугай деб қолди. Бу йўлда сентябрь ойидаёқ бақувват электровозлар қатнай бошлайди.

Польша Халқ Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планида темир йўл транспортини тараққий эттиришга, уни модернизация қилиш ва электрлаштиришга катта аҳамият берилган. Шу мақсадлар учун 60 миллиард злотий, ёки бундан аввалги беш йилликдагига қараганда бир ярим баравар кўп пул ажратилди. Бу маблағларнинг асосий қисми Силезияни Варшава билан туташтирадиган темир йўл магистралини қуришга сарфланади. Темир йўл транспортида дизель ва электровозларни кўпайтириш давом эттирилади. Тўрт минг километр электрлаштирилган темир йўлга бу беш йилликда яна 1200 километр электрлаштирилган темир йўл қўшилади.

КОРЕЙС ТРАКТОРСОЗЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Корея Халқ Демократик Республикасидаги илғор корхоналарнинг бири бўлган Киян трактор заводининг коллективи «Қишлоқ хўжалигига кўпроқ трактор берамиз!» деган шиор остида меҳнат қилмоқда. Яқин 2-3 йил ичида ҳар юз гектар экинзор ерга 3-4 тадан трактор тўғри келиши керак, деган масъулиятли вазифа республика тракторсозлари олдига қўйилди.

Киян ишчилари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишмоқда. Тракторлар ишлаб чиқариш бу йилнинг биринчи кварталида булгунги йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўпайди. (ТАСС).

ЛАОС халқ озодлик армияси душманга қақшатқич зарбалар бермоқда. Ватанпарварлар Баловен ясси тоғлигида айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар бу ерда Бакланғам ҳарбий базасини эгаллашди. Суратда: ватанпарварлар уриб туширилган душман вертолётини ҳўздан кечирмоқдалар.

ВИА — ТАСС фотоси.

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

БАКТЕРИЯЛАР ниҳоятда яшовчандир. Баъзилари энг қаттиқ совуқда, баъзилари эса қанча-қанча градуслаб иссиқда ҳам нобуд бўлмайди. Яқинда шундай бактериялар аниқландики, улар инсон ҳаётига ҳавф соладиган радиация даражасидан 2000 марта кучли бўлган... атом реактори ичида ҳам бемалол яшайверар экан.

* * *

ЧУВАЛЧАНГЛАР ҳар гектар ерда бир ёз давомида 10-11 тонна тупроқни «ағдариб», 30 килограммгача азот йиғиб қўядилар. Шу майдондаги чувалчангларнинг умумий оғирлиги эса 2-3 тоннани ташкил этади.

* * *

ЕР ШАРИДАГИ 2 минг хил илондан 1400 га яқини, яъни 70 проценти инсонга зиён етказмайди.

* * *

КАЛАМУШ умрининг деярли ярмини ўзига бино қўйиш, «юз-кўзи»ни силаб-сийпаш билан ўтказади. Лаборатория шароитида олиб борилган текширишлардан шундай хулосага келинган.

* * *

ҚУЕННИНГ гўшти оқсил моддаларининг бойлиги жиҳатидан товуқ гўштидан устун туради.

* * *

ҚОН БОСИМИНИНГ ошиб кетиш хасталиги билан фақат одамларгина касалланмас экан. Бу касаллик жирафа, курка ва товуқларда ҳам учрар экан.

* * *

ХАЛҚ орасида туялар ўрначиларига сув йиғиб олади, шу сабабли узоқ вақт давомида ташналикка чидайди, деган гап тарқалган. Лекин аслида туя қонидаги алоҳида оқсил моддалар ўзига сув запасини йиғиб олар экан. Сафар пайтида туя организми кўп намлик йўқотса ҳам қондаги сув запасига таъсир қилмас экан. Врачлар ана шу ғалати оқсил моддани қуён организмига юборганларида улар ҳам ташналикка бемалол чидаганлар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ВАШИНГТОН.** АҚШ мудофаа министрлиги қирувчи - бомбардимончи «Ф-111» самолётларини учиришни тақиқлаб қўйди. Бундай буйруқ берилганлигининг сабаби шуки, шу хил самолётларнинг ҳалокатга учраши нўпайиб кетди. Кейинги тўрт йил ичида шундай самолётлардан 22 таси ҳалокатга учради. «Ф-111» самолётининг бири ҳарбий ҳаво кучларининг Эглиндаги базасида («Флорида штати) 18 июнда ҳалокатга учраганлиги натижасида иккала учувчи ҳам ўлди.

◆ **БУДАПЕШТ.** Венгриянинг Веспрем шаҳрида ўтказилаётган Венгрия телевизион фильмлари фестивалида 15 мамлакат телевиденциесининг ходимлари қатнашмоқда. Фестивал меҳмонлари орасида Венгрияда шуҳрат қозонган совет артисти Аркадий Райкин ҳам бор.

◆ **ДЕҲЛИ.** «Таймс оф Индиа» газетаси 1971 йилда ўтказилган мамлакат аҳоли рўйхати, узлукесил натижаларига асосланиб хабар қилдики, Ҳиндистон шаҳарларидан 9 таси бир миллион аҳолидан ошадиган аҳолига эга. Аҳолиси 7.031.382 кишидан иборат Калькутта шу шаҳарларнинг энг каттасидир. Ундан кейин 5.970.575 аҳолиси бор Бомбай, 3.647.023 аҳолиси бор Деҳли, 3.169.930 аҳолиси бор Мадорас шаҳарлари келади.

◆ **ЛОНДОН.** Бангладешнинг Силхет шаҳри районида ўтган кечаси бўлиб ўтган ғоят катта ўпирилиш натижасида 50 киши ўлган ва 40 дан ортиқ киши яралар бўлган, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири. Ўпирилиш ана шу районларда бир ҳафтадан бери давом этган жала оқибатида келиб чиққан.

◆ **ИСТАМБУЛ.** Шарқий Урта денгизда НАТО блоки ҳарбий-денгиз флотининг машқлари бошланди. Машқларда АҚШ, Италия, Англия, Греция ва Туркия ҳарбий-денгиз кучлари қатнашмоқда. Машқлар 28 июлгача давом этади. (ТАСС).

НИГЕРИЯНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАСИ

ЛАГОС, 21 июнь. (ТАСС). Нигерия халқларининг жуда бой маданий меросини сақлаб қолиш ва ўрганиш шу мамлакатдаги миллий тараққиётнинг энг актуал проблемаларидан бири бўлиб турибди.

Нигерия халқларининг маданиятини ўрганаётган африкашунос мутахассисларнинг айтишига қараганда, номи номаълум бўлган усталарнинг ажойиб ва ноёб асарларини қарағанда Лондон, Париж ёки Нью-Йоркда осонроқ бўлиб қолган. Қадимий негр маданиятининг ёдгорликлари эътиборсиз ташлаб қўйилганлиги сабабли нобуд бўлмоқда. Бу ёдгорликлар «олдисотди» манбаи бўлиб қолмоқда. Ғарб мамлакатларида «Африка экзотикаси»га қизиқиш шу даражага бориб етдики, миллий аҳамиятга эга бўлган бадиий ҳунармандчилик асарларининг аксарияти ноинсоф ажнабийлар мамлакатдан махфий равишда олиб кетмоқдалар.

Бултур мамлакатдан олиб чиқиб кетилган жуда кўп санъат асарлари орасида Ибадан шаҳридаги машҳур Санго дахмаси бор.

Ибадан университети ҳузурида Африка проблемаларини ўрганиш институти маданий меросни сақлаб қолиш ниятида мамлакат жамоатчилигининг фикрини сафарбар қилиш мақсадини кўзлаб ана шу муҳим проблемага бағишланган бир ҳафталик симпозиум ўтказди. Симпозиум қатнашчилари халқ санъати асарларини Нигериядан махфий олиб чиқиб кетишга қарши курашни кучайтириш ва бунинг учун тегишли қонунлар қабул қилиш керак, деган фикрни қатъий қилиб айтдилар.

ПОЗНАНЬ ЯРМАРКАСИ ЁПИЛДИ

ВАРШАВА, 21 июнь. (ТАСС). 41-Халқаро Познань ярмаркаси ўз ишини тугатлади. Бу ярмаркада жаҳондаги кўп мамлакатлар қатнашди. Бу йилги ярмарка тузилган савдо битимлари ва шартномаларининг ҳажми жиҳатидан рекорд даражага кўтаради. Бу савдо битимлари ва шартномаларининг умумий ҳажми дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда олтин билан 3,5 миллиард злотийни ташкил этди, яъни бултургидан 20 процент чамаси кўпроқ бўлди.

Совет павильони турли мамлакатлардан келган савдо фирмаларининг вакиллари ва ярмаркани қелиб кўрган кишиларга жуда мароқли бўлди. Социалистик мамлакатларнинг экспозициялари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида саноатни ноопераций қилиш ва иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини яққол кўрсатди.

ОШИҚЧА КИШИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 21 июнь. ТАСС мухбири Н. Сетунский хабар беради: Оддий америкаликлар ҳукумат механизмларининг эҳтиёжи ва манфаатларини назар-писанд қилмаётганлигини тобора яхшироқ тушунмоқдалар. Улар ўзларини ўз мамлакатларида «ошиқча кишилар» деб ҳис қилмоқдалар. Социолог олим Л. Харрис ўз ходимлари билан бирга жамоатчилик фикрини сўраб берилган жавобларни айниқса қизиқ натижаларда шундай хулосага келди.

Харрисниинг фикрича, жамоатчиликдан олинган жавоблар Америка жамиятининг кенг табақалари, АҚШнинг «иқтисодий ва сиёсий системасидан» иккиси қайтаётганлигини очиқ кўрсатиб турибди. Чуноичи, саволларга жавоб берган ҳар ўнта кишидан еттитаси Қўшма Штатларда «бойлар тобора кўпроқ бойимоқда, камбағалларнинг аҳволи тобора баттарлашмоқда» деб жавоб берган.

Олинган жавобларнинг натижаси яна шуни ҳам кўрсатиб турибдики, ҳукмрон доиралар миллион-миллион граждапларнинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмаётганлиги аксарият америкаликларнинг хафсаласини пир қилмоқда. Саволларга жавоб берган ҳар икки кишининг бири, АҚШда ҳокимият тепасида турганлар бизнинг мушкулимизни «заррача ўйламайди» деган.

Харрис берилган жавобларнинг натижасини анализ қилиб, мамлакатда чуқур иқтисодий ва социал ўзгаришлар қилишни талаб этаётган кишилар Америка халқи орасида тобора кўпаймоқда, деган хулосага келди.

ЯНГИ АФРИКА КУЙЧИСИ

Яқинда Камерунниинг пойтахти Яунде шаҳрида таниқли Камерун композитори, музикачиси ва куйчиси Франсис Бебейнинг концерти бўлди. «Ватандош томошабинлар билан учрашганимда мени қамраб олувчи ҳис-туйғуни оддий сўз билан ифодалаш жуда қийин, — деди концертдан сўнг Бебей. — Лекин бир нарсани айтишим мумкин: мен тўғри йўлдан бораётганимга, ижодим кишиларга тушунарли бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим. Тингловчилар менинг мақсадимни тўғри тушунишаётганидан сезиб турибман. Мақсадим эса мамлакатимнинг, қолаверса бутун Африканинг санъати тараққиётига фаол кўмаклашишдан иборат».

Франсис Бебей кўп қиррали ижод соҳиби. Унинг шеър ва ҳикоялари Африкада жуда машҳур. Бебейнинг «Агати Мадио ўғли» романига энг катта адабиёт мукофоти берилди. Унинг «Африкада музика» деган асари Париж нашриётларининг бирида яқиндагина чоп этилганига қарамай, ноёб библиографик асар бўлиб қолди. Унинг ёқимли овози дунёдаги кўпгина мамлакатларда янграмоқда.

Франсис консерваторияни тугатгани йўқ. Унинг устози халқ бўлди. Гвинея қўлтиғи соҳилидаги қишлоқчада яшаган бу болани рақс майдонлари тинимсиз ўзига чорларди. Унда халқ музикасига бўлган қизиқиш жуда барвақт уйғонди. 1963 йили унинг дастлабки гастроллари Африка, Европа ва Америкада муваффақият билан ўтгани бежиз эмас.

Композитор Франсис Бебей томонидан ёзилган музикали пьесалар орасида «Қора кўз ёшлари» африкаликлар орасида айниқса машҳур. Африкаликлар ўзларининг узоқ фожиали тарихлари — мустамлакачиларга қарши кураш ва ниҳоят мустақилликка эришиш билан тугаган тарих давомида жуда кўп кўз ёши тўкдилар. Бу пьесада ўтга асосий мавзу мужассамлашган. Биринчиси — қайғу ва алам ёшлари, иккинчиси — қувонч ва бахт ёшларидир. Улар ўртасида эса эркин ҳаёт темаси жаранглайди. Асар гўзаллик ва озодликнинг тантанали гимни билан якунланади. Гитарининг майин товуши жарангдор тамтам оҳанглари қўшилиб кетади.

— Сизга ким жўр бўлади, Франсис — сўрадим мен ундан. У кулимсиради, афтидан бу саволни мендан олдин ҳам сўраган экан. «Ҳеч ким, — деди у. — Торларни чертиш билан бир қаторда мен нағорани чалишга ҳам улгураман. Шунда тингловчида ногорани бошқа биров чалаётгандек бўлиб туюлади».

Миллий санъат жарчиси, Африка озодлиги ва тараққиёти ғояларининг етакчиси бўлиш — Франсис Бебейнинг асосий мақсади шу. «Менинг куйларим, менинг бутун ижодим, — дейди у, — халққа хизмат қилиши, унинг ижодкор меҳнатига ёрдамлашиши керак. Мен учун энг олий мукофот — ватандошларим томонидан тан олинишимдир. Африкаликлар учун куйлаётганимда ҳар сафар уларга завқ-шавқ бағишлаётганимни кўриб ичимдан қувонаман».

Франсис рус ва совет музикасини жуда севади. СССРга бориш, совет тингловчилари билан учрашиш унинг эзгу орзусидир.

В. КОРАЧАНЦЕВ, [АПН].

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 25 июнда чиқади).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 — Телефильм. 13.55 — Тўққизинчи беш йиллик адресига. 14.25 — Концерт. 15.10 — Телефильмлар. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Спорт программаси. 18.30 — Социализм дунёси (Москва). 19.00 — Ахборот. 19.15 — Лирик концерт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — МОСКВА. Утмиш садоси (бадиий фильм). 21.30 — «ВАҚТ». 22.00 — Футбол: «Динамо» (Тбилиси) — ЦСКА. 22.45 — Спорт-саломатлик. (Тошкент). 23.20 — Л. Зикина концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — МОСКВА. 18.00 — Янгиликлар. 18.05 — Болалар учун кўрсатув. 18.30 — Чапдаст пиёда (бадиий фильм). 19.00 — Концерт. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Шаҳримиз озодалиги ва гўзаллиги учун. 20.50 — Ғалла — ризқ-рўзимиз. 21.15 — Ўзбекистон бўй композиторлари асарларидан концерт. 22.00 — Студентлик олтин даврим. 22.45 — Очилиш (телеспектакль).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ КЎРСАТУВЛАРИ.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Фурқат ва Завқий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Москва. «Ер ва эл» радиожурнали. 10.10 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси хорининг концерти. 11.15 — СССР 50 йиллиги олдидан. «Қурилишнинг зарбдор кучи» (рус.ча). 11.30 — В. Мейен. Ўзбек халқ темаларига сюита. 12.15 — Симфоник куйлар. 13.30. — Чет эл куйлари ва қўшиқлари. 16.10 — Ёшлар учун музикали соат. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Музикали-адабий композиция. 18.00 — Илмий-атеистик темаларда. 18.10 — Ўзбек балетларидан рақслар. 19.20 — С. Эрежепова куйлайди (концерт-очерк, татарча). 20.00 — «Ўзбекистон индустриали» радиожурнали ва саноат ходимлари учун концерт. 21.00 — Кардош социалистик мамлакатларда. 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 21.40 — Москва. Миллионлар ленинча университети. 22.30 — С. Вургун. «Комсомолнома» поэмаси асосида радиокомпозиция.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — Новосибирск академик опера ва балет театрининг гастроллари. 23/VI да — Пиковая дама, 24/VI да — Жизель.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Прерил — «ЧАПКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи). НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз соат 16.40 минутда).

Уч мушкетёр — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Рам ва Шам — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Август ойи — «ҚЎҚЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Республика мулки — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруи).

Қишки Англия — «МОСКВА» (кеч соат 6, 8.45 минутда).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 да).

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

қуйидаги кафедралар доценглари, катта ўқитувчилари ёки ассистентлари: философия, меҳнатни илмий ташкил қилиш ва нормалаштириш, меҳнат физиологияси ва психологияси асослари, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий информацияни машиналар ёрдамида ишлашни ташкил этиш, савдо ташкилий техникаси, иқтисодий кибернетика асослари, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришда математик методларни қўлланиш, жисмоний тарбия (енгил атлетика ва волейбол).

Кафедра доцентлари: рус тили, ҳисоблаш машиналари ва программлаштириш.

Конкурс муддати — 13 июлгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси 183-уй.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: теплотехника; доцентлар: философия ва илмий коммунизм (философия бўйича), рус тили, олий математика, материаллар қаршилиги, юқори молекулали бирикмаларнинг химиявий технологияси, тўқувчилик, саноат тармоқлари экономикаси, тўқимачилик саноатининг машиналари ва аппаратлари;

катта ўқитувчилар: теплотехника, физика, тўқимачилик машинасозлиги, анорганик ҳимия, олий математика.

Намангандаги ўқув — консультация пунктига сиёсий иқтисоддан ўзбек тилида дарс берувчи катта ўқитувчи;

ассистент—сиёсий иқтисод (ўзбек ва рус тилларида), чет тиллари (инглиз тили), назарий химия, саноат тармоқлари экономикаси.

Конкурс муддати — 13 июлгача. Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент, ГСП, 2-Виборг кўчаси, 5-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва Урта махсус таълим министрлиги

СОВЕТОВОД ҚУРИЛИШ — МЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ 1972—1973 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

Урта махсус ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари «Совет Ўзбекистони» газетасининг 23 май сонида эълон қилинган.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ, ЧУСТ ШАҲРИДА

27, 28 июнда

«ЗВЕЗДА» КИНОТЕАТРИ БИНОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛБУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ УЧИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тиражнинг бошланиши эрталаб соат 10 да.

Лотерея ўйинига марҳамат қилинг!

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент медицина институтининг 15 июнда вакант вазифаларга

ЭЪЛОН ҚИЛГАН КОНКУРСИНИНГ МУДДАТИ

26 июнгача давом этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг коллективи институт катта илмий ходими Ф. Р. Расуловга онаси

Хосият ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330.683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва оилий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 43—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 53—35, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 146. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01553.